

Ижобат бўлган дуо (Шайх Муҳаммад Ғаззолийнинг қабри қаерда?)



14:46 / 04.08.2020 6769

Шайх Муҳаммад Ғаззолий доимо Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг муборак шаҳарлари Мадинада вафот топишни орзу қилиб, дуо қилиб юрар эдилар. Шогирд ва аҳлу оилалари бунни эшитиб, ҳайратланишар, «Бу жуда қийин иш, ахир ҳеч бир жон қаерда вафот топишни билмайди-ку» дейишар эди. Аллоҳ таоло шайхнинг ушбу дуоларини ижобат қилишни ирода қилди. У зот 1996 йил Риёз шаҳрида бўладиган конференцияга таклиф қилинди, аммо шогирдлари шайхдан сафарга чиқмасликни қаттиқ илтимос қилиб, туриб олишди, чунки илм даъвосини қилувчи баъзи чала олимлар у зотга ҳужум қилиши ёки нафосиятларига тил теккизиб, хаста юракларини безовта қилиб қўйиши мумкин эди. Хусусан, у зотнинг шахсий докторлари ҳиссиётга берилиш ёки қаттиқ таъсирланишдан эҳтиёт бўлишни қаттиқ тайинлаган эди. Шайх уларнинг гапларига кўнмай, ўша илмий анжуманга сафар қилдилар. Конференция асносида бир кимса шайхни суннатни ёмон кўришда айблаб, у кишига тухмат қилди. Шайх қаттиқ ҳаяжонга берилиб, суннат борасида тутган йўллари, суннатга муҳаббатлари ҳақида тўлқинланиб гапира бошладилар. Шу аснода юракларида қаттиқ оғриқ бошланди. У зотнинг айтган охириги гаплари «Биз Лаа илааҳа иллalloҳ калимаси олий бўлишини

хоҳлаймиз» бўлди. У зот ўша минбарда жон омонатини топширдилар. Ўша пайтдаги Саудия давлатининг валиаҳди Абдуллоҳнинг амри билан шайх Ғаззолий Мадинаи Мунавварага дафн қилинадиган бўлди.

Ислом оламида кўзга кўринган олим, доктор Зағлул Нажжор бу ҳақда ҳикоя қиладилар: «Шайх Ғаззолийнинг жанозаларига дунёнинг турли минтақаларидан минг-минглаб одамлар шахсий самолётлар ва бошқа воситалар билан Мадинага ёпирилиб келишди. Масжиди Набавий одамга лиқ тўлди. Жаноза ўқилгач, Бақиъ қабристонига келдик, теварак-атроф одам билан тўла эди. Бақиъда қабр кавлаш ва дафн ишларига масъул бир киши шундай деди: «Бу одамнинг дафнида бир ажойиб воқеа содир бўлди. Қабр кавлай бошласак, ер қаттиқлик қилдик. Бошқа бир неча жойга уринсак ҳам, ер қаттиқлик қилиб қолаверди. Ниҳоят, ҳозирги қабр кавланган жойга ҳаракат қилган эдик, ер жуда юмшоқ бўлиб, осонгина кавланди. Бу жой – Қуръон таржимони Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг мавлоси Нофеъ билан имом Молик ибн Анас дафн қилинган қабрларнинг ўртаси экан».

Ё Аллоҳ! Суюкли банданг шайх Муҳаммад Ғаззолийнинг дуосини ижобат қилганинг каби бизнинг ҳам дуоларимизни қабул қилгин, ҳабибинг соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳамсоя айлагин!

Шайх Муҳаммад Ғаззолийни Ўз раҳматингга олиб, жаннатларингга дохил қилгин!

Муҳаммад Айюб